

Шартнома тузишда Набий алайҳиссаломдан ўрнак олинг!



11:34 / 21.12.2021 2366

Ҳатто мусулмон бўлмаганлар билан ҳам тузилган шартномага амал қилиш. Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоллари билан танишиб чиққан киши, ушбу саҳоба Бадр ғазотидан ташқари, барча ҳарбий юришларда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида туриб иштирок этганини фаҳмлайди. Нима сабабдан Ҳузайфа ибн Ямон Бадр ғазотининг буюк армияси жангчилари жумласига кирмай қолди? Ушбу саволга жавобни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳузайфа ибн Ямонга бериб қўймоқчи бўлган муҳим бир таълимларидан билиб оламиз. Бу сабоқ муқаддам имзоланган шартнома ёки келишилган битимга амал қилиш шартлиги ҳақидадир, гарчи бу шартнома мусулмон бўлмаганлар ва ҳатто мусулмонларга қарши кураш олиб бораётган душман билан тузилган бўлсада!

Буюк Бадр ғазоти арафасида қурайш мушриклари Ҳузайфа билан унинг отаси Ямонни асир олиб, улардан: «Бориб Муҳаммадга қўшилгани кетяпсизми?», деб сўрашади. Иккаласи шунчаки, Мадинага йўл олишганини маълум қилишади. Шунда қурайш мушриклари, ота-боладан ушбу ғазотда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонида туриб жанг қилмасликлари борасида сўз беришларини талаб қилишади, сўз олишгач эса асирларни қўйиб юборишади. Иккаласи буюк ғазотга ҳозирлик кўраётган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб, бўлган воқеани у зотга айтиб беришади. Расулulloҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам иккаласидан душман билан келишилган битимга амал қилишни талаб қилиб, узил-кесил ҳал қилувчи ғазотда иштирок этишни ман этадилар. Аҳамиятлиси ўша шартнома мусулмон бўлмаганлар билан тузилган бўлсада. Бу билан Расулulloҳ соллалаoҳу алайҳи васаллам тузилган шартномага, биров уни бузишга баҳона сифатида қўллаши мумкин бўлган ҳар қандай омилга қарамай, амал қилиш Исломда муқаддас эканлигини бизга ўргатиб кетдилар.

Ана энди ушбу ривоятни бугунги кунда жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга қўядиган жамоатчилик шартномалари тузилганига қарамай, мусулмон ва мусулмон бўлмаган тинч аҳолини ўлдириб бораётган айрим қуролланган тўдаларнинг фаолияти билан таққослаб кўринг. Уларнинг Исломий давлатга ташриф буюрган, хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланган чет элликларга ҳамла қилишларини қаранг.

Ушбу ривоятни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан саҳобаларнинг тутган йўлидан беҳабар, ўзлари яшаётган, балким ўзлари туғилиб ўсган хорижий давлатда қотиллик содир этиб, ҳар хил объектларни портлатаётган айрим мутаассибларнинг қилган ишлари билан қиёслаб кўринг. Қанийди, улар ва уларга ўхшаганлар Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу ҳақидаги ривоятни ўқишса ва бундай ишлари Исломга даҳли йўқлигидан хабар топиб, ўз фикрларини саркашлик қилмай, кибр-ҳавосиз ўзгартиришга уриниб кўришса!

Аллоҳ таоло барча мусулмонларни тўғри йўлдан адаштирмасин!

Хуршид Маъруф тайёрлади